Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 3-avgust, shanba № 92 (3285)

## Илмий-амалий конференция

# Ўзбекистон тажрибасига қизиқиш ортмоқда




**2013 йил 2 август куни Тошкентда «Ижтимоий шериклик барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашнинг омили сифатида: Ўзбекистон тажрибаси ва янада ривожлантириш истиқболлари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш бўйича мустақил институти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, ННТ Миллий Ассоциацияси ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари, вазирликлар, идоралар ва Давлат қўмиталари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, МДҲ ва хорижий мамлакатлар касаба уюшма марказлари, мустақил экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик ва уни келгусида янада ривожлантириш истиқболлари таҳлил этилиши билан бирга, барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлаш омилларидан бири сифатида Ўзбекистоннинг ижтимоий шерикликни ривожлантиришга оид тажрибаси тақдимоти, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш борасида касаба уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ривожлантириш бўйича тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилди.

*(Илмий-амалий конференция ҳақидаги тўлиқ тафсилотлар газетамизнинг навбатдаги сонида эътиборингизга ҳавола этилади).*

## Иқтисодиёт

***Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кенг қамровли тадбирлар натижасида кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётир. Банкротлик ҳолатига тушиб қолган корхоналарни замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаш уларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Шундай корхоналардан бири Нукус шаҳридаги «Nukus Textile» масъулияти чекланган жамиятидир.***

# Талаб ва таклифлар асосида

— Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ, ўша пайтда банкротлик ҳолатига келиб қолган «Катекс» акциядорлик жамияти технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди, — дейди «Nukus Textile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бозорбой Сапарбоев. — Қисқа фурсатда корхонанинг муҳандислик-коммуникация тизими тўлиқ қайта тикланиб, ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан 21 миллиард сўм инвестиция киритилди. Бугунги кунда корхонамизда юздан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Қайта жиҳозланиб, фаолияти йўлга қўйилган тикув цехида юқори сифатли, замонавий кийим-кечак, болалар либослари тайёрланмоқда. Маҳсулотимизга ички ва ташқи бозорда харидор кўпаяётганидан мамнунмиз. Буюртмачиларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда маҳсулот турини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.



Корхона фаолият бошлагандан буён ўтган даврда 8,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Маҳсулотнинг юқори сифати ва бежиримлиги туфайли истеъмол бозорида ўз ўрнини топди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада кенгайтириш мақсадида янги лойиҳа амалга оширилди. Унга кўра, ҳозирги кунда Швейцариянинг «Rieter», Япониянинг «Tajima», Туркиянинг «Beneks», «Sulfet», «Sanko», «TTM» фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий тўқув, тикув, босма, бўяш ускуналари сотиб олинди.

Олти миллион АҚШ доллари миқдоридаги мазкур ускуналар ўрнатилгач, корхонада йилига 5 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилади. 300 нафарга яқин янги иш ўринлари ташкил этилади.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## Янгиликлар оқимидан

### ТОШКЕНТ

***Тошкент Банк-молия академияси (БМА) магистрантлари Люксембургда малака ошириб қайтишди.***

### МАЛАКА — СИФАТ БЕЛГИСИ

БМА магистрантлари амалиёт ўташ жараёнида Люксембург шаҳрининг молиявий тизими билан яқиндан танишди, капитал ва молиявий ускуналар билан боғлиқ масалаларни батафсил ўргандилар. Шунингдек, улар Люксембург Марказий банки, Фонд биржаси ва Немис фонд биржаси фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Анъанага кўра, БМА магистрантлари ўз тенгдошларига Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тақдимотни намойиш этишди.

Бу тақдимотда мамлакатимизнинг сиёсат, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ва маданий соҳаларни ривожлантириш борасидаги тажрибалари акс эттирилган бўлиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Лойиҳа якунида имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ўзбекистонлик магистрантларга Молиявий технологияларни етказиб бериш агентлигининг сертификатлари топширилди.

### НАВОИЙ

***Вилоят тарихий-ўлкашунослик музейида Мустақилликнинг 22 йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим,таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзуида тадбир ўтказилди.***

### КЎЗИМ ҚАРОҒИСАН, ЖОН ВАТАН!

Унда сўзга чиққанлар юртимизда, хусусан, минтақада юз бераётган ўзгаришлар, истиқлол одимлари хусусида ифтихор билан гапирди. Тадбирда «Устоз-шогирд» анъаналаридан куч олиб ўсаётган «Чашма» адабий тўгараги аъзоларига ҳам навбат берилди. Фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### АНДИЖОН

***Шаҳрихон тумани маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.***

### МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Жорий йилнинг олти ойи давомида туманда 3 минг 990 янги иш ўрни яратилди. Шу даврда ташкил этилган икки меҳнат ярмаркасида 286 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Навбатдаги ярмаркада тумандаги 102 та корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари мавжуд 494 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— Ярмарка давомида 452 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди, — деди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Дилшодбек Қодиров.

## Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан

# «Хўжамазгил»да байрам тараддуди

***«Хўжамазгил» Самарқанд вилоятининг олис маҳаллаларидан бири. Булунғур туманининг чегара ҳудудида жойлашган ушбу масканда яшайдиган уч мингга яқин аҳоли асосан, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади.***

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси мазкур маҳаллада ҳам ўз ифодасини топиб, кейинги йилларда замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари бугун ҳам давом этиб, маҳалла аҳли Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Қишлоқлар ички йўлларини таъмирлаш, маҳалла ҳудуди, қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга моддий-маънавий кўмак бериш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб нишонлашга катта тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди «Хўжамазгил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғафур Хушвақтов. — Маҳалла фаоллари, ҳудуддаги муассасалар раҳбарлари билан маслаҳатлашган ҳолда, байрам тадбирларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш юзасидан вазифаларни белгилаб олдик. Аввало, тадбирларнинг тинч-осойишта ўтиши учун профилактика инспектори, маҳалламиз посбони ва маслаҳатчиси билан биргаликда одамлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Шунингдек, ҳар бир қишлоқда жамоатчи посбонлар гуруҳлари ташкил этилган. Тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа бино, иншоотларнинг хавфсизлиги ҳолати, фуқароларнинг паспорт-виза тартибларига нечоғлик амал қилаётгани ўрганиб чиқилмоқда. Бу жараёнда аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўраяпмиз.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, аҳоли билан юзма-юз суҳбатлашиш мақсадида яқинда маҳаллада туман ҳокими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари билан учрашув ўтказилди. Тадбирда мамлакатимизда, жумладан, туманда юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ва унинг самаралари, мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида сўз юритилди. Энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни асрашга ҳар бир фуқаро масъул эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш юзасидан таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Сирдарё вилоятида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан истиқлолимизнинг 22 йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди.***

# Туҳфа

Иштирокчилар Гулистон туманида форум кўмагида ташкил этилган оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишиш асносида қишлоқларга замонавий технологияларни олиб кириш масалалари ҳақида ҳам фикр алмашди. «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиётининг гарови» лойиҳасида Сирдарё вилояти бўйича саксондан ортиқ тадбиркорлик субъекти иштирок этмоқда.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳомийлигида Гулистон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласида барпо этилган болалар спорт майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Жажжи болакайларга байрам туҳфаси сифатида тақдим этилган майдончада мини-футбол, волейбол, баскетбол билан шуғулланиш учун барча шароит мавжуд. Шунингдек, бу ерда ўрнатилган ўзига хос кичик аттракционлар ҳам болажонлар ихтиёрига топширилди.

Тадбир болалар томонидан тайёрланган концерт дастурига уланиб кетди. Уларнинг шўх қўшиқ ва рақслари барчанинг кўнглини хушнуд этди.

Анжуманда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Ёшлар овози

***Бир неча йил аввал интернетга ҳаддан зиёд боғланиб қолганим учун бир қариндошимдан дакки эшитгандим. Катта авлод кўзига интернет бир «бало»дек кўрингандир-да. Орадан анча вақт ўтиб, ўша кишининг ўзи интернетдан фойдаланишни ўргатишимни илтимос қилди.***

# Нима ҳақда гаплашамиз?..

Ҳа, давр ўзгариши билан қарашлар, фикрлар ўзгармоқда. Кишилар интернетнинг фойдали жиҳатлари борлигини англаб етишмоқда. Интернет ҳатто ОАВ тури сифатида тан олинди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида у журналистика «отахон»и бўлмиш матбуот аудиториясини забт этмоқда. Баъзи шошқалоқ одамлар газета ўқисаммикан ё интернетни очсаммикан, деб каловланиб ҳам қолишяпти. Албатта-да, бир солиштириб кўринг-а: газетада макон чегараланган, кўплаб нашрлардаги мақолаларда нари борса, битта сурат берилади, веб саҳифада эса макон чексиз: ҳам мақола, сурат, ҳам аудио ва видеотасвир, боз устига, фикрингизни билдириш учун махсус жой мавжуд. Фарқ катта-а!?

Буни англаган ҳолда бутун дунёда босма нашрларнинг электрон нусхаларини ва соф электрон нашрларни яратиш тенденцияси вужудга келди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам замон талаби ва аудитория эҳтиёжидан келиб чиқиб, деярли барча босма нашрлар глобал тармоқда ўз он-лайн кўринишини яратди ва бу жараён давом этмоқда. Қолаверса, электрон нашрнинг ҳуқуқий мақоми яратилди. 2007 йил янги таҳрирда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон нашрлар оммавий ахборот воситаси тури, дея эътироф этилди.

Шунга қарамай, айрим таҳририятларнинг бу масалага юзаки қараши, босма нашр интернет оламида ҳам ўз ўрнига эга бўлишининг аҳамияти, заруратини тушуниб етмагани ва бошқа бир қанча омиллар борки, бу интернетдан фойдаланувчи йигит-қизларнинг UZ доменидаги босма нашрларнинг веб сайтлари ёхуд ахборот порталларига эмас, бошқа сайтларга мурожаат этишига сабаб бўлмоқда.

Камчиликларнинг асосийси сифатида электрон нашрлар глобал тармоқ тақдим этаётган имкониятлардан тўла фойдаланмаётганини айтиш мумкин. Бу, айниқса, босма нашрларнинг электрон нусхаларида яққолроқ сезилади. Бир ҳафтада ҳам янгиланмайдиган, фотосурат, аудио ва видео лавҳалар умуман қўйилмайдиган сайтлар бор. Буни бутунжаҳон веб тармоғи аҳамияти, салмоғи ва заруратини баҳолай олмаслик билангина изоҳлаш мумкин.

Ҳа, интернетнинг яхши ёки ёмонлиги баҳсталаб мавзу. У шундай оламки, унда оқ-у қора, эзгулик ва ёвузлик — барчаси мужассам. Гап ундан қай мақсадда фойдаланишдадир. Асқад Мухторнинг «Тундаликлар»ида бир эпизод бор:

«Океан орқали телефон алоқаси ўрнатилди, энди одамлар бемалол гаплашади.

Бунга бобо дебди:

— Уларнинг нима орқали гаплашишининг аҳамияти йўқ, нима ҳақда гаплашишади — шуни айтинг».

**Шоҳсанам НИЁЗОВА**

# Мақсадлар синови куни

***Ёшлик — жасорат палласи. Бу фасл ўзининг ранго-ранг орзулари билан гўзал. 1 август санаси юртимиз ёшлари орзуларининг рўёби, ҳаяжонига ҳаяжон қўшган кун. Шу куни мамлакатимиздаги барча ёшлар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича олий ўқув юртларида билим олиш истагида тест синовларини топширди.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотига кўра, бу йил 480 мингдан ортиқ абитуриент ариза топширган. Шундан 56 минг 700 та абитуриентгина талабалар сафини тўлдиради. 19120 нафар абитуриент давлат гранти, 37487 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Бу рақамлар бир ўринга 8-9 нафар талабгор тўғри келишини кўрсатади.

— Мен ушбу университетнинг Хорижий филология факультетига ҳужжат топширгандим, — дейди ЎзДЖТУ абитуриенти Мафтуна Ҳақбердиева. — Бугун эса олган билимларимни синовдан ўтказиш учун катта умид билан тест топширдим. Ўтган йили тест синовларидан ўтолмаганлигим боис, бу йил ҳам талаба бўла олмасам-чи, деган хавотирга тушяпман. Аммо ўтган бир йил мобайнида билимларимни янада мустаҳкамлаганим туфайли аъло натижадан умид қиляпман.

**«Туркистон-пресс»**

Ishonch
2013-gil 3-avgust № 92 (3285)

■ Истиқлол одимлари

**Президентимиз 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида темир йўл коммуникациялари тизимини жадал ривожлантириш, юк ташиш ҳажмининг асосий қисмини таъминлайдиган коммуникация тармоқлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли тарзда боғлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтганди. Жорий йилда ҳам тизимда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётир. Иқтисодиётимиз учун улкан аҳамиятга эга юмушларни адо этаётган темирйўлчилар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш эса тармоқ касаба уюшмаси зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Шермат БЕГМАТОВ бу ҳақда батафсил гапириб берди.**





# Манзиллар ва дилларни боғловчи кўприк





— «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига эътибор ҳамда ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг меҳнатга доир ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, темирйўлчилар саломатлигини мустаҳкамлаш доимий диққат-эътиборимизда, — дейди Ш.Бегматов. — «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан аниқ манзилли тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида компания корхоналари ва касаба уюшмалари 1956 нафар кам таъминланган оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш учун 271,3 млн. сўм сарфлаган бўлса, уларнинг 193,9 млн. сўми корхона ва ташкилотлар, 77,4 млн. сўми касаба уюшма ташкилотлари маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

Намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар билан таъминлаш учун компания корхоналаридаги 99 нафар ходимнинг ҳар бирига 35 млн. сўмдан, умумий миқдори 3 млрд. 400 млн. сўм фоизсиз ссуда берилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида иқлим шароити ноқулай бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларидан келиб таҳсил олаётган 49 нафар талабанинг контракт пуллари компания ҳисобидан қопланди. Боқувчисини йўқотган темирйўлчилар оилаларининг 50 нафар фарзанди ўқув-қуроллари, дарсликлар билан таъминланди.

Компаниянинг 23 та корхонасида меҳнат қилаётган фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 80 та ёш оилага корхоналар ҳисобидан 21,2 млн. сўм, касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан 1,5 млн. сўм миқдорида ёрдам берилди, 30 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти 35 соатдан оширилмаган иш ҳафтаси белгиланди.

Тармоқ ташкилотлари ва муассасаларида ишлаб пенсияга чиққан 208 нафар ёлғиз кекса соғлигини тиклаши учун корхона ва касаба уюшма ташкилоти ҳисобидан моддий қўллаб-қувватланди. 15 нафарига санаторий, санаторий-профилакторийларда даволаниши учун бепул йўлланмалар берилди. 326 нафар уруш ногирони ва нафақадаги меҳнат фахрийларига корхона ва касаба уюшма ташкилотлари маблағидан 56 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Наврўз байрами арафасида Конимех - Учқудуқ-2 - Мискен участкаларида меҳнат қилаётган 1854 нафар ишчи-хизматчига 124,0 млн. сўмлик, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ёлғиз кекса ва пенсионерларга 45 дона озиқ-овқат тўпламлари бепул тарқатилди. Шу билан бирга, ўтган даврда 70 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва меҳнат фахрийларининг республикамиздаги тарихий ва муқаддас жойларга зиёратлари ташкил этилди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 92 та корхона ва ташкилотда 2012-2013 йилларда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 1429 нафар ёш мутахассиснинг ўз иш жойларида ишлаш қунимлиги таъминланган. Бу йил касб-ҳунар коллежларидан амалиёт ўтаган 3-босқич ўқувчилари орасидан кам таъминланган оила фарзандларига касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида 1,5 млн. сўм моддий ёрдам берилди.

Ховос ва Қўқон темир йўл узеллари, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, «Нуроний» кенгашлари ҳисобида турувчи меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,3 млн. сўм ажратилди.

Меҳнат муҳофазаси масалалари Марказий кенгаш ва ҳудудий қўмиталар раёсат мажлисларида 15 марта муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Марказий кенгаш мутахассислари иштирокида 65 та корхонада меҳнат шароитлари бўйича таҳлил ишлари олиб борилди.

Меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти биргаликда мунтазам равишда эътибор қаратиб келмоқда. Тармоқ битими, шунингдек, жамоа шартномаларининг каттагина қисми шу масалага бағишланган бўлиб, унинг бажарилиши Марказий кенгашнинг доимий назоратида. Бугунги кунда компания корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича барча зарурий меъёрий ҳужжат ва касб йўриқномалари мавжуд. Корхоналардаги меҳнат муҳофазаси хоналарининг стенд, ҳамда кўргазмали воситалар билан таъминланиши ўқув машғулотларининг сифатли ўтишига хизмат қилмоқда. Ишчи-ходимларни санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган иш жойлари билан таъминлашга хўжаликлар томонидан 683 млн. 650 минг сўм йўналтирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазма темир йўл корхона ва ташкилотлари учун айни муддао бўлмоқда. 2013 йилнинг 30 январ куни Марказий темирйўлчилар маданият саройида компания ташаббуси билан ташкил этилган «Махсус кийим-бош, махсус оёқ кийим ва шахсий ҳимоя воситалари» кўргазмасида маҳаллий ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсус кийимлар ва шахсий ҳимоя воситалари намойиш қилинди. Ишчи-ходимларнинг мазкур маҳсулотлар билан таминланишига 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Марказий кенгаш меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан ҳар чоракда биттадан минтақавий темирйўл узеллари корхоналарининг ўрта бўғин раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари ва меҳнат муҳофазаси вакиллари билан режа асосида ўқув-семинарлар ташкил этилиши йўлга қўйилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида Тошкент ва Қўқон минтақавий темир йўл узеллари корхоналарида жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича семинар машғулотлари ўтказилиб, 200 нафар меҳнат муҳофазаси вакили ўқитилди.

Ўзбекистон Республикасининг ягона темир йўл тизимини охирига етказиш, янги «Хитой-Марказий Осиё-Европа» халқаро транзит темир йўл коридорини барпо этиш, келгусида Фарғона водийсини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ҳамда 2013-2016 йиллар оралиғида инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошланди. Шу муносабат билан касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаси қурилишга жалб этилган кўп минг сонли ишчи-ходимлар учун санитария талабларига жавоб берувчи иш шароитларининг яратилиши ва уларни сифатли махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масалаларининг ҳал қилинишида фаол иштирок этишдир.

ЎзКУФК Раёсатининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида 2013 йилнинг 1-ярим йиллигида касаба уюшма кадрлари ва фаолларини ўқитиш режаси тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида Марказий кенгаш бўлим мудирлари ва тасарруфдаги касаба уюшма ташкилотларидан 45 нафар асосий ишдан озод этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва мутахассислари малака оширди.

Шунингдек, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Марказий кенгаш Раёсати томонидан касаба уюшма ходимлари ва фаолларини 2013 йилда ўқитиш режаси тасдиқланиб, ижроси амалга оширилмоқда.

2013 йил 12 февралда Марказий кенгаш раёсатининг «Касаба уюшмалари фаолиятини йўналишлар бўйича тартибга солувчи Низомлар, Йўриқнома ва Тартиблар мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан ўқув-семинар машғулотларини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, ходимлари, ҳуқуқшунос ва ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.

Ҳозирги пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимида 17 та нодавлат секторига мансуб корхона, ташкилот ва муассаса мавжуд бўлиб, уларда 12210 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб келмоқда. Мазкур корхоналарда иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, ўрнатилган тартибда меҳнат жамоалари йиғилишлари, конференцияларида ушбу ҳужжат мажбуриятларининг бажарилиши мунтазам равишда муҳокама этиб келинмоқда.

Нодавлат сектордаги барча корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, ишчи-ходимлар тўлиқ касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган. Компания нодавлат секторидаги барча корхоналар касаба уюшма ташкилотлари тўлиқ равишда касаба уюшмасига аъзолик гувоҳномалари билан таъминланган. Касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини фаоллаштириш мақсадида буклетлар тайёрланиб, барча ташкилотларга юборилди.

ЎзКУФК Раёсатининг тавсиясига мувофиқ «Бошланғич ташкилотлар инвентаризацияси китоб»лари тизимдаги барча касаба уюшма ташкилотларига тарқатилди.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида соҳа ишчи-хизматчилари ва улар оила аъзоларининг маънавий савиясини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни бой миллий меросимиз, миллий урф-одатларимиз, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, ходимлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш орқали уларнинг саломатлигини тиклашга қаратилган тадбирларни ўтказишга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Марказий кенгаш томонидан «Китоб — ҳар бир оилага» кўрик-танлови ўтказилиб, унда ғолиб бўлган Ховос касаба уюшма кутубхонаси ҳамда фаол иштирок этган Андижон ва Қўнғирот касаба уюшма кутубхоналарига мукофотлар топширилди.

Жамоа шартномалари лойиҳаларининг мунтазам равишда экспертизадан ўтказиб турилиши сабабли корхоналарда қабул қилинаётган мазкур муҳим ҳужжат мазмуни яхшиланмоқда ва улар орқали ҳар бир ходимга сарфланаётган маблағ миқдори йил сайин ортиб бормоқда.

Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳада эришилган ютуқлар ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг аҳамиятини кенг оммага етказиш, дунёда кенг тарқалаётган турли салбий оқимлар таъсиридан ёшларни асраш мақсадида «Маънавият соатлари» мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўтган олти ой мобайнида корхоналар раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилган «Маънавият соатлари»га 24701 нафар ишчи-ходим жалб этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Туризмни ривожлантириш, туристик хизматлар кўрсатиш сифатини замон талабларига мос равишда ташкил этишда касаба уюшмаларининг фаол иштироки устувор йўналишлардан бири деб белгиланган.

Шу боис Марказий кенгашнинг қуйи ташкилотлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларига бир қанча саёҳатлар уюштирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 10 январдаги «Касаба уюшмалари — болаларга» акциясини ўтказиш тўғрисида»ги Раёсат қарорини бажариш мақсадида ушбу акцияни ўтказишга оид чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб истироҳат боғлари, цирк, қўғирчоқ театрларига 3591 нафар бола учун бепул чипталар ажратилди.

Қўнғирот минтақавий темир йўл узели темирйўлчиларининг 350 нафар фарзанди учун «Нукус» қўғирчоқ театри артистлари томонидан «Олтин балиқ» спектакли намойиш этилди. Урганч бекатида ўсмирлар ўртасида мини футбол, «Қибрай» ва «Янги авлод» болалар оромгоҳида дартс бўйича мусобақалар уюштирилди.

Бухоро темир йўл узелида соҳа фарзандлари орасида «Истиқлол ғунчалари», компания бошқармаси ходимлари фарзандлари орасида расм чизиш бўйича кўрик-танловлар ўтказилди. Уларга 184 нафар бола жалб этилиб, ғолиб ва иштирокчилар тақдирланди.

Қўқон минтақавий темир йўл узели қарамоғидаги «Темирйўлчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида болалар орасида «Юрт ободлигига менинг ҳиссам» номли расм чизиш, «Обод юртнинг баркамол фарзандиман» мавзуида спорт мусобақалари ўтказилди.

Компания корхоналарининг ишчи-хизматчиларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш орқали уларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида тасдиқланган йиллик режа асосида олти ой мобайнида 5 та мусобақа ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 14 февралдаги меҳнаткашлар ўртасида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисидаги қарорини амалда бажариш мақсадида Марказий кенгаш томонидан кўрик-танлов Низоми ишлаб чиқилди. Икки босқичда ўтказилган кўрик-танловда 100 нафар ишчи тўртта йўналиш бўйича қатнашиб, 4 нафар ғолиб республика босқичида иштирок этиш учун тавсия этилди.

Жорий йилда Марказий кенгаш томонидан илк бора компания тасарруфидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида спортнинг беш тури бўйича «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди. Пойтахтимизда ўтказилган якуний мусобақада Тошкент, Қўқон ва Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежларининг 75 нафар ўқувчиси қатнашди.

«Обод турмуш йили» дастурини бажариш мақсадида Тошкент, Самарқанд касб-ҳунар коллежларининг 8 нафар ўқувчиси, Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг 8 нафар талабаси учун касаба уюшмаси стипендияси жорий этилиб, бунинг учун олти ой мобайнида 2.04 млн. сўм касаба уюшмалари бюджетидан сарфланди.

Компания корхоналари тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг биринчи ва иккинчи навбатида режадаги 3500 нафар ўрнига 3663 нафар соҳа ходимларининг фарзанди соғломлаштирилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси, Бухоро йўл масофаси, Тошкент Метрополитени корхонаси, Самарқанд касб-ҳунар коллежи, «Ўзвагонтаъмир» ОАЖ касаба уюшма қўмиталари раисларига бўлим томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари мустаҳкам ҳимояга олинган.

**«Ishonch» мухбири**
**Салим АБДУРАҲМОНОВ**
**ёзиб олди**

■ Учрашув

# Кўнгил кўнгилдан сув ичар

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, аҳолининг барча қатлам вакиллари ўртасида учрашувлар, жонли мулоқотлар, адабий-бадиий кечалар ташкил этилмоқда.**

Уч кун мобайнида чегара ҳудудларида жойлашган Сўх ҳамда Риштон туманларида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъуллигида вилоят ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, оммавий ахборот воситалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ходимлари, сиёсий партиялар вакиллари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар иштирокида аҳоли билан жонли мулоқотлар, учрашувлар ўтказилди, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ўрганилиб эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Айниқса, Сўх туманида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Шоирлар Ватан, мустақиллик, ободлик ҳақидаги янги шеърларини ўқиган бўлсалар, санъаткорлар дилтортар концерт дастурлари билан ўзига хос ҳордиқ онларини тортиқ этдилар. Ушбу маданий-маърифий тадбирда 5000 нафарга яқин аҳоли қатнашди.

Тадбир якунида кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ва илғорларга касаба уюшмасининг байрам совғалари топширилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги томонидан Сўх туманининг 1500 та, Риштон тумани Чўнғара қишлоғининг 500 та кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларига 50 кг. дан ун ва 5 кг. ўсимлик ёғи бепул тарқатилди.

**Валишер АЗИЗОВ,**
**Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири**

***Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Тошкент минтақавий темир йўл узели тасарруфидаги «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ўзбекистон — менинг севимли ўлкам!» мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.***

# Шоир ташрифи



Ёз мавсумининг биринчи навбатида ўзининг саксон йиллик юбилейини нишонлаган ушбу оромгоҳга шоир Раим Фарҳодий ташриф буюрди. Болажонларга унинг шеърий усулда ёзган топишмоқлари, айниқса, манзур бўлди.

Шоир оромгоҳ кутубхонасига ўзининг «Ватан байрамлари», «Лайлакча учун алифбе» китобларини совға қилди.

Тадбир доирасида тармоққа қарашли Марказий кутубхона томонидан китоб кўргазмаси, Ватан тарихи ҳамда викторина ташкил этилди. Унда фаол иштирок этган болалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**А.ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири**

## Саломатлик сабоқлари

**Ёзнинг жазирама иссиғи кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. Офтобда тобланиб, йил бўйи соғлом юрувчиларни ҳам бу йилги иссиқ анча шошириб қўйди. Тенгсиз шифо манбаи бўлган қуёш нуридан нотўғри фойдаланиш турли салбий оқибатларни келтириб чиқаргани ҳам сир эмас. Хўш, қуёш тафтида меъёрида тобланиш ва турли салбий асоратларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Иссиқ кунларда қандай овқатланиш тавсия этилади? Бу каби саволлар билан олий тоифали шифокор Нурулла ШАРИПОВга мурожаат қилдик.**

# Ёз соз ўтсин десангиз...



**— Офтобнинг фойдали ва зарарли омиллари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Нафақат инсон, балки тирик мавжудот борки, нурга, қуёшга интилади. Чунки қуёш нурида кайфиятни кўтарадиган хислат бор. Аммо бунда меъёрга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Қишдан толиқиб чиққан танада Д витамини захираси камайиб кетади. Бундай кишиларга қуёш нури кони фойда. Айниқса, қуёш эндигина бош кўтарганида ундан таркалган нурдан организм тетиклашади. Инсон танаси бундай пайтда офтоб нуридан баҳра олади. Заррин нурлар майин шабада билан қўшилиб, танага роҳат бағишлайди, гармонлар ишини яхшилайди. Аслида халқимизнинг қуёшдан олдин уйғонишида катта ҳикмат яширин. Қолаверса, меъёрида қабул қилинган офтоб нури қон айланишини яхшилайди, офтобда қизиган танада моддалар алмашинуви 14 фоизга ошади. Офтобда чўмилиш ҳам соғликни яхшилайди. Шу билан бирга унутмаслик керакки, қуёш нурига ҳамиша ақл билан ёндашиш керак, акс ҳолда унинг салбий таъсиридан қаттиқ азият чекишингиз мумкин.

Бунда терининг қаришига омил бўлувчи ултрабинафша нурларининг салбий таъсирини ёдда сақлаш керак. Яна кучли офтоб нури саратон хасталигига мойилликни оширади, терини қуритади, унда турли доғлар, сепкил пайдо бўлишига олиб келади. Энг ёмони, қуёш нурида узоқ ўтириш иммунитетни пасайтиради.

Қуёшда тобланишдан олдин касаллик турига қараб мутахассис шифокорга мурожаат қилиш зарур. Масалан, терида холлар мавжуд бўлса, офтобга тобланишдан аввал — онколог, қалқонсимон без фаолиятида муаммо бўлса — эндокринолог, қон босими юқори ва стенокардия билан оғриганлар — кардиолог шифокорга мурожаат қилиши зарур. Шунингдек, буйрак усти бези фаолияти бузилганда, ўпка, тери касалликларида ҳам офтобга тобланиш тавсия этилмайди. Ҳомиладор ва клемикс жараёнини бошидан кечираётганлар ҳам қуёш нуридан эҳтиёт бўлганлари маъқул.

Қуёш нуридан сақланиш учун табиий мато, айниқса, пахталик матодан кийим кийиш, кўпроқ мева, сабзавот маҳсулотлари, творог, гўшт, гречка, ундирилган дон маҳсулотлари истеъмол қилиш лозим. Офтоб терида С витамин таркибини камайтиришини ҳисобга олиб смородина, цетрус мевалар, киви, булғор қалампири ҳам таомномадан ўрин олиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, шарбатлар, салқин ичимликлар, тоза сув ичиш тавсия этилади. Қуёшга тобланиш вақти эрталаб соат 9 дан 10 гача, сўнгра дам олиб, кечки соат бешдан қуёш ботгунча давом эттириш мумкин.

**— Шифокор сифатида ёзда касалликлар кўпайишини қандай изоҳлайсиз?**

— Ёзда ҳароратнинг юқори бўлиши одам организмига салбий таъсир кўрсатади. Унинг касалликларга қарши курашиш қобилияти пасаяди. Чанқоқни босиш учун кўп суюқлик ичганда эса меъда шираси суюлиб, микробни тўсиб қолиш ва зарарсизлантириш хусусиятини йўқотади.

Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда сув, сабзавот, сут, гўштда касаллик пайдо қиладиган микроблар сақланиб, уларнинг кўпайиши учун яхши шароит юзага келади. Айниқса, пашша кўпайиши учун ёз энг қулай пайт. У эса микроб тарқатувчи хавфли манба ҳисобланади.

Қолаверса, озиқ-овқатдан заҳарланиш ёзда кўпайишини ҳам унутмаслик лозим.

**— Нима учундир баъзида музлатгичда турган озиқ-овқатдан ҳам заҳарланиш кузатилади?**

— Маҳсулотларнинг совутгич ёки хонада узоқ сақланиши унда бактерия ва микробларнинг кўпайишига олиб келади. Ташқи кўриниши ёки мазаси бузилмаса ҳам уларнинг айримларини истеъмол қилганда одамнинг аҳволи оғирлашиши мумкин. Кўпинча, хонада ярим кун, совутгичда икки кундан ортиқ туриб қолган қаймоқ, қатиқ, сомса, котлет, тухум, тортдан одам заҳарланади. Касаллик қўзғатувчи микроблар овқат орқали ошқозонга тушгач, у ерда кўпаяди. Натижада, организм учун зарарли моддалар ҳосил бўлиб, танадаги турли аъзоларга таъсир қилади ва касаллик белгилари пайдо бўлади. Бу хасталикнинг яширин даври бўлиб, у 2-3 ҳафтагача давом этиши мумкин.

Овқатдан заҳарланган бемор кўп миқдорда қайнаган сув ичиши, меъдани тозалаш мақсадида фаоллаштирилган кўмир эритмаси, туз сургилар, канакунжут мойидан фойдаланиши керак.

Беморларни, айниқса, болаларни уй шароитида даволаш, билиб-билмай дуч келган антибиотикларни қўллаш мумкин эмас.

**— Озиқ-овқатни яхши сақлаш учун нима қилиш керак?**

— Кўпчилик тайёр таомлар, гўштли, балиқли, винегрет, майонез солинган салатлар, тузламалар, консервалар, торт хона ҳароратида 3-4 соат сақланиши зарур. Уларни совутгичдагина 2 кун сақлаш мумкин.

Тайёр гўштни сақлаш муддати унинг қандай тайёрланишига боғлиқ. Қайнатиб пиширилган, қиймаланган гўшт совутгичда 0-8 даражада сақланади.

Олий навли, қайнатилган колбаса, сон гўшти ва сосискалар 72 соат, 1-, 2-, 3-навлилари 48 соат, тузланган балиқ 10 кун сақланади.

Борди-ю колбаса пўстлоғида моғор пайдо бўлса, уни ташлаб юборган маъқул. Янги сут совутгичда бир кун, қайнатилган сут 3 кунгача, қаймоқ, қатиқ 2 кун, творог 36 соат, пишлоқ 2 кун, сариёғ 10 кунгача, тухум 6 кунгача сифатли сақланиши мумкин. Пишган нок, олма, апелсин хона ҳароратида 2-3 кунгача сақланади. Ювилган сабзи 12 соатдан сўнг ирий бошлайди.

Иссиқ ва нам жойда картошкада тугунаклар ўсиб, таркибида заҳарланишга олиб келадиган модда кўпаяди. Шунинг учун картошкани салқин, қоронғу, қуёш нури тушмайдиган жойлар, ертўла, омборхоналарда сақлаш мақсадга мувофиқ.

Қовун, тарвуз, ошқовоқни қуруқ, салқин жойда, хона ҳароратида сақлаш мумкин. Бунда қовуннинг тез бузилишини албатта ҳисобга олиш зарур.

Гуруч, мош, ловия, нўхатни ҳам қуруқ ва яхши шамоллатиладиган хонада сақлаш зарур. Уларнинг намлиги ошса, бузилиб, қурт тушади. Шунинг учун қопқоқли банкалар, қоғоз халталарда, сичқон тегмайдиган жойда сақлаган маъқул.

Нонни сирли кастрюлда сақлаш зарур. Унутмаслик керакки, оқ нон билан қора нонни бир жойга қўйиш ярамайди. Нонни елим халтага солиб совутгичда сақлаганда ёқимсиз ҳид тарқалади.

Совутгичда сақланган сабзавот ва меваларни вақти-вақти билан кўздан кечириб, пўстида доғлар ва бошқа бузилишлар бўлса, ортиқ сақламаслик керак.

Овқатга ишлатиладиган кўкатлар таркибидаги витаминлар икки кунгача сақланишини унутманг.

**— Ёзда кўп кузатиладиган дизентерия касаллиги ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Бу хасталикни ичбуруғ ҳам дейишади. Уни касаллик қўзғатувчи микроблар келтириб чиқаради. Микроб соғлом одам организмига оғиз орқали, ифлосланган сув, озиқ-овқат, болаларда кўпинча ифлос қўллари орқали ўтади.

Шуни унутмаслик керакки, хасталик аксарият ҳолларда пашша ва чивин, шахсий гигиенага риоя қилмасдан овқатланиш, қайнатилмаган сув ичиш, меваларни ювмасдан ейиш, дуч келган ҳавзада чўмилиш оқибатида юқади. Бу микроб асосан гўшт, сут ва тухумда бўлади. Гўштни оштахтада тўғраганда, қиймалагичдан чиқарганда ювилмаган ифлос қўл орқали ўтади. Шу боис гўшт тўғрайдиган оштахта ва пичоқ, қиймалагични алоҳида қилиб қўйиш, ишлатиб бўлгандан кейин яхшилаб ювиб, қайноқ сувда чайиш керак.

Ёз кунлари ошхонага алоҳида эътибор бериш, жиҳозлар ҳатто девор ва сочиқларни ҳам тез-тез ювиш зарур. Бунда таркибида хлор бўлган тозалаш воситаларидан фойдаланилади. Қолаверса, гўштда микроб ривожланиш хавфи кучли бўлгани учун уни сувутгичда 5 кун, қиймани 2 кундан ортиқ сақламаслик керак. Савдо расталарида сотилаётган тайёр чучвара, сосискалардан ҳам ёз кунлари эҳтиёткорлик билан фойдаланган маъқул. Ҳатто музлатгичда ҳам гўштни 2 ҳафтадан ортиқ сақлаш мумкин эмас. Музлаган гўштни эритиш учун сувга солиш ярамайди. Чунки бунда гўшт таркибидаги микроблар кўпаяди.

**— Бежизга саломатлик, узоқ умр кўриш кўп жиҳатдан тўғри овқатланишга боғлиқ дейишмас экан-да?**

— Умрнинг қисқаришига кўп ҳолларда инсоннинг ўзи сабаб бўлади. Турмуш тарзидаги номутаносиблик, овқатланишдаги пала-партишлик, билиб-билмай сифатсиз таомларни истеъмол қилиш натижасида касаллик келиб чиқади. Овқатланиш маданиятини билмаслик хасталикларга йўл очади. Дейлик, ёзнинг иссиқ кунида йўлнинг четида сотилаётган айрон, ўрик шарбатини ўтган-қайтганлар истеъмол қилиши одатга айланган. Аммо уларнинг қандай шароитда, қачон тайёрланганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ёки ҳар куни истеъмол қиладиган оддий гўштни супермаркет, махсус гўшт дўконларидан кўра кўпроқ кўча қассобларидан арзонроққа олишга кўникиб қолганмиз.

**— Заҳарланишнинг олдини олиш учун нималарга аҳамият бериш керак?**

— Бу кўпроқ одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳар бир киши аввал касалликнинг қандай юқишини билиши, ўзини ва яқинларини хасталикдан ҳимоя қилиш ҳақида ўйлаши шарт.

Бунинг учун мева-сабзавотлар, кўкатларни яхшилаб тоза ёки қайнатилган сувда ювиб истеъмол қилинг. Касалланган ҳайвон сутини ичманг ва гўштини еманг. Овқат ейишдан аввал қўлингизни албатта совунлаб ювинг.

Болаларнинг қайнамаган сув ичишига йўл қўйманг. Мевалардан компот қайнатиб беринг.

**— Хасталикни халқ табобати усулида даволаса бўладими?**

— Касалликни даволашда шифокор белгилаган даво усуллари билан бирга халқ табобатидан ҳам фойдаланса бўлади.

Озиқ-овқатдан заҳарланганда бир пиёла асални сут ёки қатиқ билан аралаштириб, кун давомида ичиш тавсия этилади. Бунда беморнинг қусиши хавф туғдирмайди, аксинча, ошқозондаги заҳарли моддалардан қусиш орқали халос бўлади.

Бир боғ укроп бир литр қайнаган сувда дамланиб, бир қошиқ асал билан кун давомида беморга берилади. Лекин, унутмангки, ҳар қандай муолажани шифокор тавсияси билан амалга оширган маъқул.

**«Ishonch» мухбири**
**Амина ҚОДИРОВА**
**суҳбатлашди**

---

▽ КУРАШ



***Миллий матбуот марказида миллий курашни жаҳон миқёсида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоби ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# Фақат ғалаба учун

— Ўзбек кураши истиқлолимиз шарофати билан жаҳонда кенг оммалашмоқда, — деди Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов. — 1998 йил 6 сентябрда Кураш халқаро ассоциацияси тузилиб, кураш халқаро спорт тури мақомини олди. Ассоциация таркибида Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари, 120 дан зиёд мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. КХА икки нуфузли халқаро ташкилот — Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA) ва Осиё Олимпия кенгаши аъзосидир. Жаҳонда кураш билан шуғулланаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярми ҳам кураш бўйича нуфузли мусобақа ва тадбирларга бой бўлди. Анъанага кўра, янги мавсум 30 январ куни Грециянинг Салоники шаҳрида «Ислом Каримов» халқаро турнири билан бошланди. 2013 йил 16-21 май кунлари Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнирда ўттиз мамлакат вакиллари иштирок этди.

29 июн — 6 июл кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қилган ёпиқ иншоотларда ва жанговар якакурашлар бўйича IV Осиё ўйинларида қитъамиз спортчилари ўзбек кураши бўйича ҳам беллашувларда қатнашди. Мусобақа якунига кўра, 16 мамлакат вакиллари медалларга сазовор бўлди. Шунингдек, кураш бўйича Украинада катталар ўртасида халқаро турнир ва Ливанда араб давлатлари IV чемпионати юқори савияда ташкил этилди.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида ҳам кураш бўйича нуфузли мусобақалар ўтказилади. 23-28 октябр кунлари Париж шаҳрида катталар ўртасидаги IX жаҳон чемпионати йилнинг энг йирик мусобақаси бўлади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

---

ШАХМАТ ▽



***Испаниянинг Сиджес шаҳрида ўтказилган «Vila de Sitge — 2013» халқаро турнирида ҳамюртимиз Алексей Барсов кумуш медал соҳибига айланди.***

# Барсовда кумуш

Ўттиз тўққизинчи марта ташкил этилган мусобақанинг «А» гуруҳида дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан 80 дан зиёд шахматчи дона сурди.

Халқаро гроссмейстеримиз Алексей Барсов мусобақа давомида испаниялик Галиано Вилярес, германиялик Франк Бушено, колумбиялик Давид Аренас, италиялик гроссмейстер Даниэле Вокатуро ҳамда норвегиялик Ларс Оскар Хаугени мағлубиятга учратди. Венесуэлалик Хосе Феликс, испаниялик Орелвис Митянс Перес, арманистонлик гроссмейстерлар Ховик Айрапетян ва Карен Григорян билан дуранг ўйнади.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

## Дил сўзи

***Яқинда уй телефоним жиринглаб қолди. Гўшакни олсам, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашидан экан. Менга Наманган вилоятидаги «Косонсой» сиҳатгоҳига йўлланма ажратишганини айтишди.***

# Яхшилар бор бўлсин!

Ўзим Янгийўл туманидаги 74-болалар мусиқа ва санъат мактабида ишлайман. 40 йиллик меҳнат фаолиятим шу даргоҳда ўтди. Бу вақт ичида кўплаб шогирдлар етиштириб чиқардим. Меҳнатларим самараси ўлароқ соғлигимни тиклаш учун йўлланма беришидан бошим осмонга етди.

Сиҳатгоҳда кунларим жуда мароқли ўтди. Гўзал табиат манзаралари, ходимларнинг ширин муомаласи, сифатли муолажалар, турли маданий-маърифий тадбирлар, Наманган шаҳрининг тарихий жойларига қилинган саёҳатлар менда катта таассурот қолдирди. Соғлигимни тиклаш баробарида ҳам руҳан, ҳам маънан куч-қувватга тўлдим.

Тилагим, саховатпеша инсонлар бор бўлсин!

**Саиджон КАБИРОВ,**
**Янгийўл туманидаги 74-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси**

---

## Тадбир

# «Юртга чексиз муҳаббат билан...»

***Боёвут туман халқ таълими методик фаолиятини таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 15-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган хайрия тадбири ана шундай номланди.***

Ушбу тадбир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Алиқул Хонимқулов ҳомийлиги, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси ҳамда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбир аввалида жамғарманинг тиббий патронаж бригадаси томонидан тарбия масканидаги тиббий ёрдамга муҳтож ўғил-қизлар кўрикдан ўтказилди.

Шундан сўнг болажонлар учун байрамона дастурхон безатилиб, бадиий дастур намойиш этилди ҳамда уларга эсдалик совғалари топширилди.

Бир қатор танлов ва кўргазмалар ғолиби, ёш ҳунарманд Мадина Умарованинг каштачилик йўналишида яратган ижодий намуналари кўргазмаси тадбир нуфузини янада оширди.

Хайрия тадбири дилларга бир олам қувонч бахш этди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

Реклама ва эълонлар

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг**

# «ҚУЁШЛИ»

**болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи**

Чимённинг энг хушманзара ерида жойлашган бўлиб, **5 августдан 16 августгача** бўлган бешинчи сменага йўлланмалар учун аризалар қабул қилади.

Болалар ёзги соғломлаштириш мавсуми ниҳоясига етгач, меҳнаткашлардан жамоавий бўлиб ҳордиқ чиқаришлари учун аризалар қабул қилинади (семинарлар, спартакиадалар, спортчилар йиғинлари ва ҳ.к.).



**Манзилимиз:**
**Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.**
**6-қават, 100-хона.**
**Телефонлар: 256-38-94, 389-05-55, 528-55-03.**

Хизматлар лицензияланган.

---

## Эшитдингизми?..

# Термиз ҳайвонот боғига бегемот олиб келишмоқчи

**Термиз ҳайвонот боғи Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 141 турга оид 382 та экзотик жониворлар ва қушларни учратиш мумкин. 20 гектар майдонни эгаллаган ҳайвонот боғидаги жонзотларнинг учдан бир қисми «Қизил китоб»га киритилган. Яқинда бу масканга бегемот олиб келиниши кутилмоқда.**

Термиз ҳайвонот боғи ҳудудидаги катак ва мосламалар Термиз шаҳрининг жазирама иқлимидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган. Унда жониворлар ва қушлар учун махсус бўлинмалар, сув ҳавзалари, дарахтлар, тоза ва қуруқ майдончалар, сунъий, аммо табиийсидан қолишмайдиган кичик тўқайзорлар, аквариумлар мавжуд. Яқин вақт ичида олиб келиниши кутилаётган бегемот учун мўлжалланган жой ҳам тахт ҳолатга келтирилган.

Шунингдек, ҳайвонот боғида ветеринария клиникаси, бактериологик, токсикологик ва биокимё лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Боғ ҳудудида мунтазам кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Саёҳатчилар, айниқса, ёш болалар вақтни қувноқ ўтказишлари учун боғда турли аттракционлар ҳам ўрнатилган.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳайвонот боғи ҳудудида очиқ дарслар, табиат ҳақидаги билимларни оширишга қаратилган турли тадбирларни ўтказишади. Маълумотларга кўра, Термиз ҳайвонот боғига ҳар йили 200 мингдан ортиқ меҳмон ташриф буюради.

Бир йил аввал ушбу ҳайвонот боғида қувончли воқеа рўй берган эди. Яъни йўлбарслар оиласи сони яна иккитага, шерлар оиласи биттага кўпайди. Эгизак йўлбарсчаларга Зита ва Гита, шер боласига Симба деб исм қўйилганди.

Бугунги кунда ҳайвонот боғини ўз маскани деб билган эгизак йўлбарсчалар ва шер боласининг ўсиши ва саломатлиги яхши. Дарвоқе, улар боққа ташриф буюрган болажонлар билан расмга тушишни жуда ёқтиришади.

**«Туркистон-пресс»**

---

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi -22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 811

13711 nusxada bosildi

1 2 3 4